

## ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Ибрагимова Ирода Рашид қизи  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада бухгалтерия ҳисоби тизимини шаклланиш тенденциялари ва ривожлантириш истиқболларига биз кенгрок ёндашдик. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш тартиблари ўрганиб чиқилган ва айнан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши лозим бўлган субъектлар таҳлил қилинган ҳамда уларни оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилиб асосий маълумотлар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби.

### КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда, булар субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтириши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ана шундай кўрсаткичлар билан мувофиқлашувини талаб этмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида акциядорлик жамиятларини ташкил топиши жараёни, уларни оптимал бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш ва акциядорлар кенгаши томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилиш, бунинг учун зарур ахборотларни олишда бухгалтерия бўлими билан ҳамкорликда ишлашни тақоза қиласди. Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларини фаолиятини бухгалтерия ҳисобида юритишда халқаро ҳисоб стандартлари талабларига мос равишда юритиш, шунингдек, жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган давлатларда юритилаётган акциядорлик компанияларини ҳисоб тизими учун зарур бўлган энг асосий тамойилларини Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларига жорий этиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг қонунчилик асосларини кўриб чиқадиган бўлсак, энг аввало “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун” (янги таҳрири) ни мисол келтиришимиз мумкин. Шу жумладан ушбу қонунда 10-моддаси “Бухгалтерия ҳисоби стандартлари” деб номланиб, унда Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талабларни белгилайди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир маҳсус талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда қўллаши мумкин.”<sup>1</sup> Ушбу модданинг хусусияти шундаки, унда халқаро стандартлар масалаларига алоҳида эътибор берилиб халқаро ҳисоб тизимиға ўтиш масаласи кўриб чиқилган. Бунда молиявий ҳисоботнинг халқаро тизимиға алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимиға ўтиш масаласи дастлаб Вазирлар Махкамаси 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб юритиш ва статистика тизимиға ўтиш давлат дастури тўғрисида»ги 433-қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб юритиш ва статистика тизимининг халқаро амалиётида қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимиға ўтиш бўйича давлат дастури”<sup>2</sup> асосида халқаро тизимга ўтиш бўйича ишлар амалга оширилди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва ҳисоб тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу жумладан жами 24 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва 1 та “Молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли стандарт ҳам қабул қилинди.<sup>3</sup> Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш мулкчиликнинг хусусияти ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибиға боғлиқ ҳолда қўйидаги 3 хил тартибга асосан ташкил қилинади:

1. Хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи субъектлар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш (корпоратив бухгалтерия ҳисоби);
2. Банклар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби (марказий банк ва тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби);
3. Бюджет тизимида бухгалтерия ҳисоби (бюдjet ташкилотларида, ғазначилик тизими ва молия тизимида бухгалтерия ҳисоби).

Корпоратив бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бунда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти БХМС №21 “Бухгалтерия ҳисоби счўтлар режаси”<sup>4</sup> асосида ташкил қилинади ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Корхона маъмурияти учун ҳисботлардан фойдаланишдаги асосий манфаат ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлигини аниқлаш ва шунингдек бошқарув ва молиявий қарорлар қабул қилишни иқтисодий асослаш ҳисобланади. Маъмурият учун асосий ахборотлар манбаи сифатида корхонанинг ички ҳисботлари ва молиявий ҳисботлар тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида бухгалтерия

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Конун(янги таҳрири). Мазкур таҳрир ЎзР 13.04.2016 й. ЎРҚ-404-сон Конуни билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> Вазирлар Махкамаси 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб юритиш ва статистика тизимиға ўтиш давлат дастури тўғрисида»ги 433-қарори.// Норма уз дастури.

<sup>3</sup> Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. // Норма уз дастури.

<sup>4</sup> БХМС №21 Бухгалтерия ҳисоби счўтлар режаси. Тошкент:Норма, 2015. 3246.

хисоби 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) ва бухгалтерия хисоби миллий стандартларига асосланиб ташкил қилинади.

Акциядорлик жамиятларнинг ҳусусиятини ҳисобга олиб, қандай вазифада юритилишидан қаътий назар бухгалтерия ҳисобини ва назоратини юритувчи ва ташкил этувчи шахс тўлиқ «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)да кўрсатилган хуқуқ ва вазифаларни бажаради. Корхона фаолияти тўғрисида белгиланган муддатларда ҳисботларни тузиб, таъсисчилар тегишли ташкилотларга тақдим этиб туради. Бухгалтерия кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш, ташкил қилиш ва моддий, меҳнат, ҳамда молиявий ресурслардан тежамли унумли фойдаланиш мулкнинг бутлиги устидан назоратни таъминлайди.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Айрим мутахасислар фикрича, акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг асосида баҳолашда - бу турли кредит ташкилотларини молиявий кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг таққослама тизимиdir<sup>5</sup>. Айрим рейтинглар эксперт хулосаси асосида баҳоланади. Жумладан, бунга банкларнинг хизмат кўрсатиш сервисини мисол қилиб келтириш мумкин. Ривожланаётган давлатларда банкларнинг энг муҳим кўрсаткичи бу кредит ишончлилиги ҳисобланади. Банк рейтинги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосий молиявий кўрсаткичлари асосида, ёки қисқача баланси асосида тузилади<sup>6</sup>. Ушбу масалада жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашувида молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларини ўрнини белгилашда муҳимлигини Россиялик иқтисодчи-олим Л.Б.Трофимованинг таъкидлашича, “Жаҳонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижасида молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларига ўтиши учун шарт-шароит яратилиши, Россия давлатидаги йирик бизнеснинг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви натижасида тақдим этилаётган молиявий ҳисботларни бизнес вакиллари тушунадиган шакллда тақдим этишни доимий равишда такомиллаштириб, уни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мослаштириб боришни заруриятини келтириб чиқаради.<sup>7</sup>”. Демак Россиядаги бизнес вакиллари халқаро даражага чиқишида албатта моличавий ҳисботларини халқаро стандарт асосида тақдим этиш талаби қўйилмоқда ва натижада компанияларнинг фаолиятини халқаро стандартлар асосида юритиш мажбурлигини тақоза қиласди.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби ва молиявий ҳисбот амалиётини янада такомиллаштириш учун иқтисодчи-олим Б. Маматов томонидан билдирилган фикр бўйича эса “Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандарт асосида ташкил этиш амалиётини янада такомиллаштиришнинг бош масаласи – акциядорлик

<sup>5</sup> Халқаро молиявий ҳисбот стандартлари: Дарслик /А.А.Каримов, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев, Н.М. Имамова - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 392 б.Б.34-36.

<sup>6</sup> Тижорат банкларида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари. Дарслик./А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Хотамов, Н.Қ. Ризаев. - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 5606. Б.17-21-

<sup>7</sup> Трофимова Л.Б. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник, Издательства “Юрайт” 2018., - 242с. С.29-10.

жамиятларига молиявий хисоботни халқаро стандартларида ўрнатилган тамойилларга ва талабларга яқинлаштириш тенденциясига асосланади” деб таъкидлайди<sup>8</sup>.

Бундан ташқари Ўзбекистонни жаҳонга интеграциясини ривожланиши ва молиявий ҳисоботларни умумқабул қилинган шаклда тақдим этиш жараёнида проф. З.Н.Курбанов ва А.Акрамовларнинг фикрича “Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикаимизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишининг янги босқичи бўлиб қолади”<sup>9</sup>.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ушбу мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, илмий монографиялари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларини таҳлил қилиш, статистик таҳлиллари, жадвалларни аналитик таққослаш, гурухлаш, микдор ва сифат кўрсатикичларни ҳисоблаш, уларни бир-бири билан солиштириш каби услублардан фойдаланилди.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтиш бўйича кейинги йилларда шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 сон 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида шундай таъкидлаб ўтилган:

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот мұхити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МХХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МХХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади”<sup>10</sup>. Демак акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тақдим этади.

<sup>8</sup> Маматов Б. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ўтиш муаммолари//“Soliq solish va buxgalteriya hisobi” журнали №11-сон, 2015 йил, 156.

<sup>9</sup> Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А.Асосий воситаларни МХХС асосида юритиш//“BIZNES-ЭКСПЕРТ” журнали № 4-сон, 22.05.2015 йил

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 сон 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори//Lex.uz/

Ўзбекистонда статистик маълумотларга кўра, ушбу гуурхга киувчи субъектларни ҳисобини ҳозирги кунда қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

### 1 –жадвал

#### Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтган субъектлар таҳлили<sup>11</sup>

№	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Акциядорлик жамиятлари	850	714	653	641	635	649
2.	Тижорат банклари	28	29	30	31	33	34
3.	Суғурта компаниялари	28	27	31	35	32	32
4.	Йирик солик тўловчилар	-	-	-	1416	836	1120

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, солик тўловчилар йилдан йилга уларнинг сони ошиб борган. Шу жумладан йирик солик тўловчилар 2016 йилги 158 танинг 2020 йилда уларнинг сони 204 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2021 йилда жами молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича топшириш керак бўлган компания ва фирмаларнинг сони 2432 тани ташкил этган. Уланинг сони йилдан йилга ортиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда мустақилликни дастлабки давридан бошлаб акциядорлик жамиятлари ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилиб келинмоқда. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, бухгалтерия ҳисобини юритишида ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Конуни қабул қилиниши энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосисида тузилиши уларнинг молиявий ҳисоботларини чет эллик инвесторлар томонидан ўқиши ва тушуна олиши имконияти яратилади. Натижада акциядорлик жамиятларининг акцияларини фонд бозорида жойлаштириш ва унинг котировкасини тўғри белгилаш имконияти яратилади.

Ушбу фикрлардан шундай холоса қилиш мумкини, бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талаблари, уни ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир маҳсус талабларни бажаришни белгилаб беради. Ушбу масала акциядорлик жамиятида янада муҳим аҳамиятга эгалиги ва уларнинг акцияларини жаҳон фонд биржаларига жойлаштирилиши учун бериладиган ахборот ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мослаб тақдим этишининг заруриятини келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усусларининг самарадорлиги, албатта, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижаларига мувофиқ қандай чоратадбирлар амалга оширилиши йўллари орқали ифода этилади.

<sup>11</sup> Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро тизимини таҳлил қилиш жараёнида энг аввало турли давлатларда ташкил этилган ҳисоб тизимини таҳлил қилишимиз лозим. Молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартларга мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг ҳалқаро миқёсда ҳаракат қилишида ва муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси корхона ва хўжалик субъектларида молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартларни келиб чиқиш тарихи ва унинг эволюцияси асосида хўжалик юритувчи субъектлар бўйича молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларини қўллашнинг ишчи режаси ва амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш жараёнини кўриб чиқиш лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ibragimova I.R. Stages of financial reporting implementation in the Republic of Uzbekistan // International Journal of Marketing and Technology. – Vol. 11 Issue 11, November 2021. (ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559 ). (1-12 p.)
2. Ibragimova I., Tursunov U., NosirovA. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan// International Journal of Management, IT & Engineering-Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558
3. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558, [https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME\\_MAY2023/IJMIE2May23\\_Uzb.pdf](https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf)
4. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
5. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Solijanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank's Profit. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION, 37(3).
6. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743 <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>
7. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
8. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
9. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В

- МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>
10. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини тақомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
11. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2552>
12. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
13. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>
14. Қличев Б.П. (2022 а). Истемолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;
15. Бозорова Озода Раҳимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
16. Қличев Баҳтиёр Пардаевич (2023 б). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>
17. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Molivaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО‘К: 657(075.8)
18. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
19. O.Xudoyorov (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
20. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
21. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-

среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126.

<https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>

22. О.О.Худоёрөв, & Ш.О.Ғозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>

23. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>

24. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>

25. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>

26. Қличев Б. (2023 а). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>;

27. Салимов , Б., & Салимов , Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. *The Innovation Economy*, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>

28. Xoliqulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>

29. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11). Экономика и образование, 23(3), 71-78.

30. О.О.Худоёрөв, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>

31. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

32. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солик назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . Образование наука и инновационные идеи в

- мире, 13(7), 36–41. Retrieved from  
<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
33. Saidova, U. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS.  
<https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
34. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. Economics and Innovative Technologies, 2020(2), 12.  
<https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
35. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от  
<https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
36. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. Экономика и инновационные технологии, (5), 115–122. извлечено от  
[https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11782](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782)